

ҒАЛЛАКОРЛАР Фидойи меҳнатининг роҳатини кўришсин

Шамсиддин ЭСОНБОВ, Ўзбекистон Агротехноат мажмуи ходимлари касоба уюшма Марказий кўмитаси раиси:

Мустиқиллик дехқонга кенг имкониятлар эшигини очди. Одамларда ерга эгалик туйғуси шаклланди. Бу борада қабул қилинган «Давлат ер қадастри тўғрисида»...



Ўзбекистон Республикаси мустиқиллигининг 12 йиллиги олдидан

Қарангки, 1990-91 йилларда ҳаммаси бўлиб республикамизда 940 минг тонна ғалла етиштирилган. Ҳосилдорлик атиги 17 центнерни ташкил этганди...

чилар ва комбайнчиларга қулай меҳнат ва дам олиш шартларини яратиш билан таъминлаш, мусобақа голибларини аниқлаш ва тақдирлаш каби масалалар ҳал этиб борилади...

ИШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 19 август, сешанба № 128 (1553)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАҒНА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЖАНУБГА ЮЗЛАНГАН ЙЎЛ

Тошгузар-Бойсун-Кумкўрғон темир йўли юртимизнинг жанубий сарҳадлари сари яна ўттиз чақиримга узайди

Тошгузар-Бойсун-Кумкўрғон темир йўли қурилиши Қашқадарё вилоятининг Ғузор, Деҳқонобод, қўшни Сурхондарё вилоятининг Ғайрат, Кумкўрғон туманларидаги қишлоқлар, аҳоли пунктларида катта иқтисодий иқтисодий ўзгаришларга асос бўлади...

Темир йўли ўтадиган ҳудуд асосан тоғ ён бағирлари, қир-адирлар ва баланд-паст ерлардан иборат бўлганлиги туфайли мураккаб муҳандислик коммуникация ишларини талаб этади...

2007 йилда ишга туширилиши мўлжалланаётган Тошгузар-Бойсун-Кумкўрғон темир йўли қурилиши бош пудратчилари - «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компаниясининг йўл ҳўжалиги бошқармаси, «Ўзбектранскўрилиш» давлат уюшмасининг «Транссаноатқурилиш»...

Ишни икки сменада ташкил этиб, ойига 5-7 километр масофада темир йўл қурилиши, дейди станция бошлиғи Эркин Хайриев...

Мазкур қурилишнинг иқтисодий аҳамияти ҳақида ҳам алоҳида тўхталиш ўринли. Темир йўл ўтаётган ҳудудларда кўплаб нефть, газ ва кўмир қонлари борлиги аниқланган...

Мазкур қурилишнинг иқтисодий аҳамияти ҳақида ҳам алоҳида тўхталиш ўринли. Темир йўл ўтаётган ҳудудларда кўплаб нефть, газ ва кўмир қонлари борлиги аниқланган...

Мамлакатимиз мустиқиллигининг 12 йиллик байрами арафасида ижодкорлар - шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар юртимиз бўйлаб сафарга чиқиб, халқимиз ҳаёти, ўй-фикрлари, жойларда амалга оширилаётган кенг миқёсдаги ислохотлар жараёни, бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишмоқда...

Бу гал ижодкорлар баландликдан ўтган. Кафтдек текис йўл, виқорли тоғлар, пойингиздаги мовий кўл, кўм-кўк арчалар тароватига қараб тўймайди киши...

ДОВОН ОШГАНЛАР ДОВОНДА УЧРАШДИ

лар амалга оширилди. Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов бошчилигидаги адиблар дастлаб пойтахтимизда, кичик халқа йўлида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди...

Ижодкорлар Ангрен йўллардан мунтазам фойдаланишга қўйилган эди. Қисқа муддатда мавжуд йўлни қайта таъмирлаш ва Қамчиқ ҳамда Резак доvonлари тагиридагина намоён бўлди...



дан туннеллар ўтказиш лойиҳаси ишлаб чиқилди. 1997 йилдан эса амалий ишлар башланади. Вазиға ў йилда ҳудудидан келган йўлсозлар малака оширилади. Уларга германиялик етук мутахассислар геодезия, лойиҳалаш, замонавий технологияларни бошқариш юзасидан сабоқ бермоқда...

Ижодкорлар тушган автобус доvonга ўрлайди. Йўлнинг энг юксак ҳўқисидан денгиз сатҳидан 2268 метр



ДОВОН ОШГАНЛАР ДОВОНДА УЧРАШДИ

ушбу йўл Буюк Ипак йўлининг муҳим бўғини, кўплаб халқларнинг бир-бирига яқинлаштирувчи дўстлик ва биродорлик, тинчлик ва ҳамкорлик йўли бўлиб қолишини алоҳида таъкидлаган эди...

Ижодкорларни ер ости йўли дарвозаси олдидан Фарғона водийси ва пойтахт вилояти меҳнатқашларининг вакиллари, йўлсозлар кутиб олди. Улар Қамчиқ ва Резак туннелларини кўздан кечирди, йўлсозлар, ишчилар, мутахассислар, муҳандис-лойиҳачиларнинг мардондор меҳнати билан танишди, улар билан дилдан суҳбатлашди...

Учрашувда сўзга чиққанлар, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов таъбири билан айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларининг бош муҳандиси Исроил Каримов юртайётган оқилона, одилона сиёсат туфайли мамлакатимизда буюк ўзгаришлар юз берганини бу жараёнда йўлсозларнинг ҳам салмоқли хизмати борлигини таъкидлади...

Мамлакатимиз Президенти Исроил Каримов Тошкент-Ўш автомобил йўлининг Қамчиқ ва Резак доvonларидаги туннеллар қурилиши қатнашчиларига йўллаган табриғида

Инсон ресурсларини ривожлантириш Ўзбекистон-Япония маркази (УЖС) вакиллари Тошкент вилоятдаги Бўстонлик туманида жойлашган «Зангори олов» болалар оромгоҳига ташриф буюрди.

«ЗАНГОРИ ОЛОВ» - ҚУВОНЧИ

Мазкур марказ 2000 йил октябр ойида икки мамлакат ўртасида имзоланган келишувга кўра ташкил этилган. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ҳамда Япониянинг халқаро ривожланиш агентлиги марказнинг таъсисчиси ҳисобланади.

Япониялик меҳмонларнинг «Зангори олов» оромгоҳига қизиқиши бежиз эмас. Оромгоҳда АҚШ пойтахти Вашингтонда жойлашган The Hospitality and Information Services халқаро ташкилоти билан алоқа қилувчи Меҳмондўстлик ва ахборот хизматлари республика жамоат ташкилоти қосидаги «Интеллектуал ёшлар» ўқув марказида таълим олаётган болалар дам олмақда.

«Интеллектуал ёшлар» маркази 2002 йилда ташкил этилган бўлиб, асосан ёшларга таълим бериш ва уларнинг муаммоларини ўрганиш билан шуғулланади. Марказ директори Дилмуҳаммад Камоловнинг таъкидлашича, 120 дан ортиқ ўқувчи бу ерда нафақат дам олиш, балки инглиз тилини ўрганишни давом эттириш мақсадида келган.

Япониялик меҳмонлар оромгоҳда дам олаётган болаларнинг ўқув машғулотларини кузатиш, улар билан турли спорт мусобақаларида иштирок этди.

НАВБАТ «ЛАСЕТТИ»ГА

Икки йил аввал «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг бош конвейеридан биринчи «Матиз» автомобили тушиб, корхона махсулоти турларини бойитган эди. Автомобил замонавий дизайн, техник мукамаллиги билан ажралиб туради.

Бугун Асака «Матиз» лари «ДЭУ» корпорацияси корхоналарида ишлаб чиқарилган бошқа автомобиллар каби бутун дунё, шу жумладан, Италия, Германия, Швеция, Россия ва бошқа давлатлар йўлларида юрмоқда.

Ўзининг тежамкорлиги ва ишончилиги туфайли халққа манзур бўлган «Тико»дан фарқли равишда «Матиз»нинг ичи кенгроқ. Машинага ўтирганда ва ундан тушганда йўловчилар бирор қийинчилик сезмайди. Шу пайтгача 12 мингта энгил машина ишлаб чиқарилди, уларнинг ярми Россия, Украина, Молдова, Қозғистондаги истеъмолчиларга етказиб берилди.

Биз доим ишлаб чиқаришни ривожлантириш устида ишлаяпмиз, талабларни ўрганишимиз, дейди муҳандислик махсулоти бошқармаси бош менежер Ф.Камолов. Автомобиллар конструкциясини такомиллаштириш билан шуғулланаяпмиз. Мамлакатимиз мустиқиллигининг 12 йиллигида автомобилсозлар янги модел «Ласетти»ни тайёрлашмоқда. Автоматик узатиш қутисига эга «Матиз»нинг ишлаб чиқарилиши эса ишчиларимизнинг яна бир байрам совғаси бўлади.



Қашқадарёлик бир гуруҳ фуқаролар тахририятимизга хат йўлаб, бозорлардаги камчиликлардан шикоят қилган эдилар. Мақтуб баҳона бозорлар фаолияти билан танишди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорлар фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори талаблари асосида хизмат кўрсатиш даражасини яхшилаш, нарх-навои арзонлаштириш соҳасида бир мунча ишлар қилинди. Бозорлар фаолиятида камчиликларга йўл қўйилганлиги учун уюшма раиси М.Авлиёқулов вазиғасидан овоз этилди.

Қайси юртининг ободлигини билмоқчи бўлсанг, унинг бозорлари кўздан кечир, деб бежиз айтишмаган, дейди моҳир фермер И.Саидов биз билан суҳбатда, мутасаддиларнинг таъкидлашича, йилнинг ўтган даврида маҳаллий бюджетта 300 миллион сўмдан ортиқ маблағ туширилди. Қурилиш ва ободончилик тадбирларига эътибор қўйилганлигини чуқур хис этаймиз.

АҚШнинг IREX Халқаро илмий таълим қўли ва олимларни айирбошлаш Кенгашининг «Ўзбекистон мактабларида Интернет» дастури тақдироти бўлиб ўтди.

Унда шаҳар ва туман халқ таълими бўлимлари раҳбарлари, мактаблар, академик лицейлар ва коллежлар директорлари, компьютер технологияси ўқитувчилари иштирок этди.

«Ўзбекистон мактабларида Интернет» дастури директори Ари Кац қатнашчиларни дастур лойиҳаси билан таништирар экан, мактаб ўқувчиларида Интернетда ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш учун

IREXнинг ХАЙРЛИ ДАСТУРИ

Андижон, Фарғона, Қарши, Наманган, Нукус, Термиз шаҳарлари ва уларга яқин туманларда компьютер марказидан иборат тармоқ яратилишини таъкидлади.

Дастурнинг мақсади мактаб ўқувчиларида мустиқил фикрлаш қобилиятини ўстириш ва дарслардаги фаолигини оширишда янги технологияларни қўлланни ривожлантиришдан иборат.

«Хат йўлга чорлади» бўлар эди. Нима учундир улар ҳозирда йўқ.

Бозорлар ҳузуридаги тайёрлов савдо ташкилотлари фаолияти сузсайган. Қишлоқ ҳўжалик махсулотларини арзон нарҳда сотиб олиб истеъмолчиларга етказиш билан шуғулланадиган ташкилотлар ҳам ишламай қўйди.

БОЗОР хўжайини дехқонни ёки...

тибсиэликлар учун акциядорлик жамияти раиси Н.Йўлдошев вазиғасидан бўшатилди. Биз «Миришкор», Косон, Муборак туманларидаги бозорларда бўлганимизда, дехқондан олиб-сотар қўллингнинг гувоҳи бўлдик.

Республика ҳўкуматининг «Бозорлар фаолиятини такомиллаштириш ва махсулотлар сотиш учун зарур шарт-шароитлар яратишга доир қўшма чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва «Бозорлар фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларида аниқ вазиғалар белгилаб берилган. Вилоят «Бозорсавдо» акциядорлик жамияти уюшмаси бошқаруви ва шаҳар, туман ҳўкимлиги бозорларини тўқинчилик ва маъмуричилик масканига айлантириш, сотувчи ва харидор учун ҳар томонлама қулай шарт яратиш, нарх-навои арзонлаштириш чора-тадбирларини қўришлари ҳам фарз, ҳам қарздор.

# ФОЛИБ ФАЛЛАКОРЛАР

## Фидойи меҳнатининг роҳатини кўришин

**(Боши 1-бетда)**  
Қашқадарёлик галлакорлар ҳам катта меҳнат галабасини кўлга киритдилар. 230 минг гектар ердан 600 минг тонна галла етиштирилди. Шундан 46 минг тоннадан ортиқ уруғликдир. Хўжаликларнинг давлатга соғилган дон ҳисобидан оладиган соф фойдаси 9,3 миллиард сўми ташкил этиши кўтилмоқда. Касаба уюшма кўмитаси раислари галла мавсуми даврида ўрим-йғим қатнашчиларига ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий шарт-шароитларни яратиб бўйича галла штабларини бошқардилар.

Халол меҳнат ўз самарасини берди. Илғор фермерлар сафи кенгайди. Агросаноат мажмуи ходимлари вилоят кўмитаси раёсат аъзоси, Касби тумани Ш.Рашидов номли ширкат хўжалиги бошлиғи, Ўзбекистон Қажрамон Файбулла Раҳмонов гектаридан 58,5 центнердан жами 231 тонна дон йиғиштириб олди. Миришкор туманидаги «Исмоил бобо» фермер хўжалигида ҳосилдорлик 93 центнерни, Қарши туманидаги «Зайнаб биби» фермер хўжалигида 78 центнерни, Косон туманидаги «Оқ маич» фермер хўжалигида 74 центнерни ташкил этди.

Навоийда эса меҳнатни ташкил этишнинг янги

шида муҳим омил бўлди. Комбайнчилар ўртасидаги беллашува биринчи ўрини эгаллаган комбайнчи «Тико» автомашинаси, иккинчи ўринга битта рангли телевизор ва видеомагнитофон, 3-ўринга битта видеомагнитофон ажратилди. Бухоролик галлакорлар эса ҳосилдорлики 50 центнерга етказдилар. Ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олишда механизаторлар алоҳида гайрат кўрсатдилар. Иш уч сменада ташкил этилди. Уларга 3 маҳал иссиқ овқат, дам олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилди. Маждуд хўжалик, туманларда меҳнат беллашувлари ташкил этилиб, голиблар ҳар 10 кунда қимматбахо совғалар билан тақдирланишди. Шунингдек, иш ҳақлари ҳар 5 кунда бериб борилиши таъминланди. Ўзбекистон Қажрамони Азим Латипов бошқараётган Шофиркон туманидаги «Бухоро» ширкат хўжалиги галлакорлари ҳар гектар майдондан 70 центнердан галла йиғиштириб олиб, омборларга 3991 тонна сара дон етказиб бердилар. Пешку туманидаги «Фаттоев» фермер хўжалиги (раҳбари Ғубор Фаттоев) ҳосилдорлики 97 центнерга кўтариб, мусобақа голиблигини кўлга киритди.

Жиззах вилоятида ҳам ташаббускор, ишнинг кўзини билладиган 600 нафардан ортиқ фермер, 84 нафар илғор комбайнчиларга

ташқил қилиш, илғор тажрибалардан оқилона фойдаланиш натижасидир. Катта меҳнат муваффақиятида Марҳамат, Шаҳрихон, Балиқчи, Пахтаобод туманларининг галлакорлари алоҳида фидойилик кўрсатдилар.


Пахтаобод туманидаги «Андижон» ширкат хўжалигидан Маҳмуджон Қодиров Бўз туманидаги «Озод» ширкат хўжалигидан Тоҳир Тўлаков, Асака туманидан Ботирали Қурбонов, Олтинқул туманидан Раҳмон Абдурахимов каби ижарачилар ҳосилдорлики гектар ҳисобига 85-90 центнерга етказдилар.

Вилоятда дон етиштириш ва уни йиғиштириб олишда тармоқ ходимлари касабга уюшмалари алоҳида ўрнатилди. Вилоят ҳамда 14 та туман кўмиталари ҳузурда штаблар ташкил этилди. Жамoa хўжаликлари касабга уюшмаларида эса 194 та штаб фаолият кўрсатди. Урим-йғимда иштирок этган комбайнчи ва бошқа ходимлар ўртасида техника хавфсизлиги бўйича ўқув машғулоти ўтказилди, махсус кийим-бўшақ билан таъминландилар.

Мавсумда ишловчилар учун қулай шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор берилди. Маждуд 1983 та дала шийонлари жорий таъмирланди, йғим-терим иштирокчилари хизматига шайланди. Кўчма ошхона ташкил этилди. Касаба уюшма кўмиталари маданият, соғлиқни сақлаш бўлимлари билан ҳамкорликда маданий-маиший ва тиббий хизматни йўлга қўйдилар.

Урим-йғим голибларини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Асака туманидан Аҳмаджон Маҳмудов, Олтинқул туманидан Обиджон Дехононов, Андижон туманидан Носиржон Мирзаолимов, Улғунор туманидан Шўхрат Шомирзаев сингари илғор комбайнчилар туман касабга уюшма кўмиталарининг совриндорлари бўлишди. Вилоят касабга уюшмалари Кенгаши тармоқ кўмитаси билан энг юқори ҳосилдорликка эришган, шартнома режасини биринчилардан бўлиб бажарган хўжалик аъзоларини рағбатлантириш учун сихатҳоғларга 1 миллион 200 минг сўмлик имтиёзли йўлланмалар ажратилди. Шунингдек, 50 нафар комбайнчи, фермер ва ижарачини туман касабга уюшмалари томонидан турли сихатҳоғларга юбориш режалаштирилди.

Сухбатдош: Амина КОДИРОВА



### Муносабат МАҲАЛЛА АҲИЛ БЎЛСА...

Халқимиз «узқоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни афзал», дея бежизга айтишмайди. Буни ўз бошимдан кўп бора ўтказдим. 9 келин туширдим. Барисидда маҳалла кишилари бел боғлаб, хизматда бўлди. Шунинг учун фарзандларим, келинларим, набираларимга маҳаллага аралашиб, одамлар корига ярашга доим шай бўлишни уқтираман.

Маҳалламиз катта. Аҳоли сони 8 минг нафарни, хонадонлар эса 2200 дан ошади. Кўча-кўйни, ҳовли-жойни обод сақлаш анианага айланган қолган. Шу боис ҳар йили шаҳар маҳаллалари орасида бўладиган танловда голибликни кўлга киритамиз. Энг саранжом-сарийта оила танловининг асосий даъвогарлари ҳам бизда топилди.

Яқинда маҳалламизда «Аёл мунаввар олам» деган мавзуда шаҳар хотин-қизларининг семинари бўлиб ўтди. Унда гоат долзарб мавзу оила, қайнона-келин муносабатлари, рўзгор юриши, шартнома режаси ва тақлифлар ўрқоқлашди. Семинар катнашчилари бизнинг хонадонимизга ҳам ташриф буюришди. Келинларим билан суҳбат қуришди.

Хуллас, доимо юртимиз осмонни мусаффо бўлсин, Истиқлол қўши мангу порлайверсин, деймиз.  
Тўтихон СУЛТОНОВА,  
Гулистон шаҳар  
Дўстлик кўрғонига  
яшовчи меҳнат  
фахрийси

### Ўзги соғломлаштириш ОРОМҒОҲ ХАРАЖАТЛАРИ фермер хўжаликлари ҳисобидан

«Дўстлик» Жиззах вилоятидаги энг гўзал оромҳоғлардан бири. Баҳмал туманининг қўрқам гўшасида жойлашган бу маскан ўзининг ўрмон-боғи, зилол суви, турли-туман спорт майдончалари билан ажралиб туради.

ри бу маскани оталиққа олишди. Улар 10 миллион сўм маблағни оромҳоғ ҳисоб рақамига ўтказиб бердилар. Айни кунларда ўқувчиларга тўрт маҳал мазали ва хушбўй таомлар тайёрлаб берилаяпти. Озиқ-овқат махсус лотларда узлишлар бўлмаяпти. Оромҳоғ қошида тандир қурилган. Шу боис бу ерда ҳар кун болаларга иссиққина оби нони тайёрлаб берилди.

Бўрибой НОРҚУЛОВ,  
«Ишонч» муҳбири

Спорт мураббийи Хидирали Маликов раҳбарлигида эрталабки бадантарбия машғулотларидан тортиб, режа асосида турли спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Айниқса, «Қувноқ» спорт мусобақалари қизиқарли ўтапти. Хуллас, бу ерда 5 та спорт тўрағи фаолият кўрсатмоқда.

Суратларда: оромҳоғ ҳаётидан лавҳалар



### «ГУЛЗОР»ДА СПОРТ МАЖМУАСИ

Навоий шаҳридаги «Гулзор» маҳалласида янги спорт мажмуаси болалар ихтиёрига топширилди. Унда футбол, волейбол ва баскетбол майдонлари мавжуд. Мустақилликнинг 12 йиллиги байрами арафасида ишга туширилган ушбу спорт мажмуи «Исо Навоий» фирмаси ҳомийлигида, ҳашар йўли билан бунёд этилди. Навоий кон-металлургия комбинати, Навоий шаҳар солиқ инспекцияси ходимлари ҳам бу хайрли ишга ўз хиссасини қўшди.

Бу йил шаҳардаги 29 маҳалланинг барчаси ўз стадионига эга бўлади.

### ЯНГИ МАСКАН ИШГА ТУШДИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 12 йиллик байрами арафасида Эллиқ-Аля туманида замонавий ёзги спорт мажмуи фойдаланишга топширилди.

Туманининг Гани Дилов номлидаги ширкат хўжалигида қад ростлаган ушбу маскан - етти минг томошабинга мўлжалланган стадион, югуриш йўлаклари, волейбол ва баскетбол майдончаларига эга спорт мажмуи ҳашар йўли билан бунёд этилди. Ил охиригача туманда яна учта ана шундай мажмуа фойдаланишга топширилади. Ҳозир уч теннис корти, йиғирма минг томошабин сифатидан стадион, жаҳон талабларига жавоб берадиган сузиш ҳавзаси, 28 спорт зали ва бошқа кўплаб иншоотлар туман спортчилари ихтиёрида.

### КЎЗГИ КИЙИМЛАР

Наманган вилояти халқ истеъмоли моллари марказида қоз-қиз мавсуми кийим ва пойабзаллари ярмаркаси очилди. Улғурчи-чакана ярмарка ишида 24 та тўқимачилик ва енгил саноат корхонаси, ўнлаб хусусий тадбиркорлар ва халқ хўнарамандлари иштирок этмоқда. Улар умумий қиймати 20 миллион сўмдан ошқ юзлаб турдаги товарларни савдога қўйган. Болалар кийимлари ва пойабзалларининг турлари кўп, улар орасида спорт ва мактаб кийимлари алоҳида эътиборга молик.

Енгил ва тўқимачилик саноати товарларидан ташқари «Исфархон» супермаркетиде машинасозлик ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари ҳам намойиш этилмоқда. Бундай савдо ярмаркаларини ўтказиш анианага айланмоқда. Улар маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг имкониятлари нақадар кўп эканлигини кўрсатмоқда.

(ЎЗА)

### Жамoa шартномалари қандай бажаришмоқда?

## ҚЎШИМЧА ТАЪТИЛ

Мақтабимизда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури талабларига асосан иш олиб боришмоқда. Ҳомий ташкилотлар ёрдамида илм масканини сифатли таъмирланиб, янги ўқув йилига ҳозирлаб қўйилди.

Бошланғич касабга уюшма ташкилоти ҳисобиде 96 нафар аъзо бўлиб, 67 нафарини ўқитувчилар, 23 нафарини ишчи-хизматчилар қўйиб, маънавий-маърифий, тарбиявий ва спорт-соғломлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратган.

Шунга қарамадан, унда кўрсатилган вазифаларнинг бажарилиши кўриб чиқилганда, айрим камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Чунончи, ўқитувчиларнинг иш ҳақлари, 2 ёшгача болалар ва қаришлар нафақалари вақтида берилмаган. Бу масала бўйича юқори ташкилотларга талабномалар қўйилганидан сўнг машошлар тарқатилди.

Бундан ташқари, касабга уюшма кўмитаси таълим-тарбияда ислохотларни амалга оширишга кўмаклашиб, жамиятда шаклланиб келаётган янгича ишлаб чиқариш муносабатлари, миллий қадриятлар ва маънавий-атимизни тиклаш, ёшларнинг ҳуқуқий онгини ва маданиятини юксалтириш билан боғлиқ вазифаларни адо этишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Меҳнатда ўрнатилган кўрсатилган ходимларга

Замонавий жихозланган ўйинҳоғ, маънавият ва маърифат хонаси улар хизматиде. Болалар ёзги таътил даврида оромҳоғларда мириқиб хордиқ чиқардилар.

«Она гулдир, фарзанд бўстон», «Огоҳлик давр талаби», «Ватан саждаҳоғ каби муқаддас», «Маҳалла соғлом муҳит», «Мақтабда соғлом авлод», «Мардлар қўриқлайди Ватани», «Ўқитувчилик касбини эъзозлайлик» каби мавзуларда қўриқтанловлар, давра суҳбатлари ўтказиш одат тусига кирган.

Меҳнат Кодексининг 232-моддасига биноан ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ фарзанди ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга ҳар йили 3 кундан иборат таътил берилиши лозим. Бундай имтиёз ва қафолатлар ўндан ортиқ касабга уюшма аъзоларига татбиқ этилди.

Айни пайтда мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллигига пухта тайёргарлик кўриляпти. Мақтабда «Истиқлол бизга нима берди?» мавзусида кенгайтирилган мулоқот ўтказилди. Тadbирга туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла», «Соғлом авлод учун», «Нуроний» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва туман халқ таълими бўлими вакиллари тақлиф этилди.

Муродулло ПўЛАТОВ,  
Ғузур туманидаги  
Дўстқул Тўхтаев  
номли мактаб касабга  
уюшма кўмитаси  
раиси



усулларига ўтилиши ўз самарасини берди. Қизилтепалик Б.Нарзуллаев, хатирчилик Г.Иброҳимов, навбахорлик Ш.Қаҳоров, навоийлик С.Шукуров сингари ўнлаб илғор пудратчи ва фермерлар шартномавий режадан 2-3 баробар кўп бугдой ҳосил олдилар.

Вилоят кишлоқ ва суви хўжалиги бошқармаси касабга уюшма кўмитаси, МТП акционерлик бирлашмаси ва «Навоийдон-маҳсулотлари» ишлаб чиқариш уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақа галла ўрим-йғимини муваффақиятли ўти-

фахрий ёрликлар ва 1 миллион 530 минг сўмлик қимматбахо эсдалик совғалари топширилди.

Галла етиштиришда Андижон тақрибаси барчага ўрнатилган 74 минг 125 гектар ерга барака уруғи қадаган галлакорлар қабул пунктларига 245 минг 900 тонна сара дон етказиб бердилар. Тайёрланган ҳосилнинг 120 минг тоннаси уруғликдир. Тахиллар шунки кўрсатдики, маждуд бошоқли экинлар майдонининг 60 фоизиде урим-йғим ўтказилганда, шартнома режаси адо этилган. Бу аввало самарали меҳнат натижаси бўлса, иккинчидан, меҳнатни тўғри

### Халқимизда «Ҳашар - элга ярашар» деган нақл бор. 16 август кунини бу хикमत ана бир бундан ўз тасдиғини топди. Ватанимиз мустақиллигининг 12 йиллигига бағишланган «Маҳалла обод - Ватан обод» ширкати остида ташкил этилган Умумхалқ ҳашари Тошкент вилоятида ҳам ушқоқлик билан ўтди.

## УМУМХАЛҚ ҲАШАРИ

«Обод маҳалла йили» дастурини амалга ошириш баробарида вилоятда санитария-эпидемиология ҳолатини яхшилаш, маҳаллалар, мавзела ва аҳоли гажум жойларни ободонлаштириш, кўкназорлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Умумхалқ ҳашарини ўтказиш тadbирларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уй-жой муҳдорлари ширкатлари, корхоналар, ташкилот ва муассасалар ҳамда аҳоли фаол қатнашди.

Ҳашар кунини юзлаб ариқ ва зовурлар тозаланиб, минглаб туп дарахт оқланди. Кенг қўламда ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Барча маҳалларда гул кўчталари ўтқазилди. Кўп қаватли уй йўлаклари, каналлаштириш кудуқлари, болалар майдончалари тартибга келтирилди.

Умумхалқ ҳашари муносабати билан корхона ва ташкилот, муассасалардан республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва унинг жойлардаги бўлиmlарининг банкдаги жорий ҳисоб рақамига жами 106,6 миллион сўм маблағ ўтказилди. Бу маблағ маҳаллаларни ободонлаштириш, уларнинг инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатламларини моддий қўллаб-қувватлаш, турар-жойлар, мавзелада оммавий спорт турларини ривожлантириш каби эзгу мақсадларга сарфлангани.

Сирдарё вилоятида Ўзбекистон мустақиллигининг 12 йиллигига бағишланган умумхалқ ҳашарида қарийб 250 минг киши иштирок этди. Саноат корхоналари тўлиқ тартибда ишлади.

Шаҳарлар ва туман марказлари аҳолиси ариқларни тозалати, ярим миллионга яқин дарахт оқланди, турар-жойларни ободонлаштириш ишлари амалга оширилди, болалар майдончалари қурилди.

Вилоят маркази аҳолисининг аксарияти Мустақиллик майдонини реконструкция қилиш ишларида қатнашди. Биринчи сентябр кунини бу ерда Мустақиллик кунини тантаналари ўтказилди.

Шанба кунги ҳашарда ишлаб топилган маблағлар «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими ҳисобига ўтказилди.

### Сув таъминоти яхшиланди

Мустақиллик байрами арафасида Навбахор туманининг Алишёр Навоий номидаги ширкат хўжалигига қарашли кишлоқларга тоза ичимлик сув келтирилди. Илгари кишлоқ аҳли ариқ ва кудуқлардан сув ичарди. Қисқа вақт ичида тўрт километрик сув қувури ётқизилиб, юздан ортиқ хонадонга тоза ичимлик сув етказиб берилди.

Шунингдек, туманининг Охунбобоев номидаги, «Истиқлол», «Гигант», «Янгиқўрғон», «Зарафшон» ширкат хўжаликлари аҳолиси ҳам тоза ичимлик сув билан таъминланди.


### Фотоайбнома

## БЕГОНА ЎТ ИСКАНЖАСИДА ҚОЛГАН ТЕХНИКАЛАР


Пахтакор туманидаги «Баҳмал» агрохизмат маркази маъмурий идорасига борсангиз, адашиб кетишингиз турган гап. Бинога бир-икки йил мобайнида бирон бир киши қадам ранжиде қилмаганлиги шундоққина қуриб турибди. Хоналарнинг базиларида катта қулф осилдик. Очқик хоналарда ҳеч вақо йўқ.

Идора ҳовлисини беғона ўт босган. Таажубки, техника воситалари эса ўт-ўланлар ичида қолиб кетган. Хўжасизлик шунчалик бўладики? Бу техникалар деҳқон бойлиги, унга ҳамиша зарур эканлигини марказ раҳбарлари наҳотки билишмасе...

Б.НОРҚУЛОВ олган суратлар.




# ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ



Республикамиз  
фуқароларини, барча  
муаллим ва мураббийларни,  
олиму фузалоларни энг улуг  
айём – Ўзбекистон  
Мустақиллигининг 12 йиллик  
байрами билан самимий  
муборакбод этади

*Жондан азиз Ватанимиз —  
хур Ўзбекистон равнақи  
йўлидаги ишларингиз ҳамиша  
бароридан келсин!*



*Муборак юртимизда тинчлик,  
осойишталик барқарор бўлсин!*

